# II. САНОАТ

2021 йил январь-март ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 16252,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 103,0 %ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши 16,8 %, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 113,9 %, истеъмол товарларининг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 19,5 %ни ташкил этди.

**2021 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш**

| | *млрд. сўм* | *2020 йил январь-мартга нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси, %* |
|---|---|---|
| **Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **16252,0** | **103,0** |
| **Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | **646,5** | **94,7** |
| *улардан:* | | |
| Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш | 218,8 | 93,2 |
| Металл рудаларини қазиб олиш | 379,6 | 97,3 |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларда ишлашда хизматлар | 48,1 | 86,6 |
| **Қайта ишлаш саноати** | **14 050,2** | **104,1** |
| *ундан:* | | |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 852,5 | 111,4 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 1 430,6 | 109,6 |

| | *млрд. сўм* | *2020 йил январь-мартга нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси, %* |
|---|---|---|
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш | 224,5 | 100,6 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 10,3 | 122,0 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 6,4 | 38,8 |
| Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 994,4 | 97,4 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 19,9 | 66,3 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 635,9 | 108,1 |
| Металлургия саноати | 7 853,2 | 104,6 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 997,3 | 86,5 |
| Ишлаб чиқарилган бошқа тайёр маҳсулотлар | 25,2 | 91,2 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | **1 498,0** | **97,9** |
| **Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш** | **57,3** | **65,7** |

| | *млрд. сўм* | *2020 йил январь-мартга нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси, %* |
|---|---|---|
| **Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш** | **3176,6** | **113,9** |
| *шу жумладан:* | | |
| озиқ-овқат товарлари | 1679,5 | 118,7 |
| ноозиқ-овқат товарлари | 1497,1 | 108,9 |

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**
*(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)*




Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, қайта ишлаш саноати 4,1 %га ўсиши кузатилди, шунингдек, аксинча электр, газ, буғ билан таъминлаш 2,1 %га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш 3,3 %га ҳамда ҳавони кондициялаш ва сув билан таъминлаш 34,3 %га камайиши кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш**
*(йирик корхоналар бўйича)*

| | Ўлчов бирлиги | 2021 йил январь-март | 2020 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | | | |
| Чақиқ тош | минг т | 91,1 | 130,5 |
| Каолин | минг т | 39338 | 3,5 м |
| Қайта ишлаш саноати | | | |
| Янги сўйилган ёки совутилган гўшт | т | 11,7 | 88,1 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | т | 86827,4 | 103,7 |
| Ўсимлик ёғи (тозаланган) | т | 1674,2 | 82,2 |
| Пахта толаси | т | 11557,1 | 180,3 |
| Пахта чигити | т | 24040,2 | 113 |
| Пахта линти | т | 1258,5 | 2,7 м |
| Арок | минг л | 2721,1 | 91,5 |
| Узум виносини дистиллаш ёки узумни сиқиш натижасида олинган спирт настойкалари | минг л | 10,7 | 47,9 |
| Пахтадан йигирилган иплар | т | 8051 | 98,5 |
| Нарса жойланадиган қоплар ва пакетлар | т | 53,8 | |
| Трикотаж ёки тўқилган кийимлар | минг дона | 3167,1 | 63,6 |
| Карбамид | минг азот тонна | 21,4 | 64,4 |
| Аммоний сульфат | минг азот тонна | 8,5 | 61,8 |
| Аммоний нитрат (аммонийли селитра) | минг азот тонна | 39,7 | 82,8 |

| | Ўлчов бирлиги | 2021 йил январь-март | 2020 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Таркибида иккита таъминловчи элемент - азотва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар | минг тонна | 68,6 | 133,7 |
| Сувсиз аммиак | минг тонна | 108,3 | 76,5 |
| Сульфат кислота | минг тонна | 239,5 | 97,8 |
| Мисдан қувурлар ва трубкалар | т | 5450 | 117,6 |
| Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти | минг л | 3601,7 | 101,4 |
| Портландцемент | т | 901950 | 109,3 |
| Цемент клинкерлари | т | 1054153 | 149,7 |
| Бинолар ва иншоотлар учун цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бошқа буюмлар | т | 42207,7 | 112,5 |
| Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган | т | 172603,3 | 92 |
| Легирланмаган пўлатдан шаклдор ва махсус, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, бошқа ишлов берилмаган профиллар | т | 31223,1 | 127,2 |
| Электроэнергия | млн.кВт/с | 3824 | 82,3 |
| Иссиқлик энергияси | минг Гкал | 1275 | 99,2 |

**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариши ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари**

*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, фоизда)*




Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрчаткичи Олмалиқ шаҳрида (51121,2 минг сўм), Оҳангарон шаҳрида (18469,4 минг сўм), Бекобод шаҳрида (17559,4 минг сўм) ва Чирчиқ шаҳрида (6425,5 минг сўм) ўртача вилоят даражаси (5451,8 минг сўм) кўрсаткичидан анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи Оҳангарон шаҳрида (7665,1 минг сўм), Зангиота туманида (2678,9 минг сўм), Чирчиқ шаҳрида (2253,5 минг сўм), Қибрай туманида (1484,9 минг сўм) ўртача вилоят даражаси (1065,6 минг сўм) кўрсаткичидан анча юқорилигини кўрсатмоқда.

**2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, %**




Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуш Паркент (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 94,8 %), Тошкент (67,5 %), Оҳангарон (66,6 %) ва Оққўрғон (60,0 %) туманларида ҳамда энг кичик улуш Олмалиқ (1,1 %), Бекобод (2,1 %), Нурафшон (16,7 %) шаҳарларида ва Қибрай (19,0 %) туманида кузатилди.

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг санoат ишлаб чиқаришдаги улуши, %да**




Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 3185,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 19,6 %ни ташкил (2020 йил январь-март – 18,9 %) этди.

**Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш**

| | 2021 йил январь-марть млрд. сўм | 2020 йил январь-мартга нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси, % |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича** | **16 252,0** | **103,0** |
| шаҳарлар: | | |
| Нурафшон | 247,6 | 80,2 |
| Олмалиқ | 6 833,1 | 105,5 |

| | 2021 йил январь-март млрд. сўм | 2020 йил январь-мартга нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси, % |
|---|---|---|
| Ангрен | 1 244,4 | 94,6 |
| Бекобод | 1 705,1 | 100,1 |
| Оҳангарон | 722,6 | 103,3 |
| Чирчиқ | 1 047,9 | 90,7 |
| Янгийўл | 137,4 | 100,1 |
| туманлар: | | |
| Оққўрғон | 198,1 | 109,5 |
| Оҳангарон | 71,3 | 101,0 |
| Бекобод | 51,3 | 60,6 |
| Бўстонлиқ | 264,0 | 91,4 |
| Бўка | 101,0 | 187,6 |
| Қуйи Чирчиқ | 175,2 | 125,4 |
| Зангиота | 984,8 | 82,4 |
| Юқори Чирчиқ | 314,6 | 110,5 |
| Қибрай | 1031,0 | 109,8 |
| Паркент | 67,9 | 94,7 |
| Пискент | 75,0 | 109,5 |
| Ўрта Чирчиқ | 197,2 | 104,5 |
| Чиноз | 111,5 | 112,1 |

| | 2021 йил январь-март млрд. сўм | 2021 йил январь-мартга нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси, % |
|---|---|---|
| Янгийўл | 334,2 | 110,6 |
| Тошкент | 336,8 | 101,7 |

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудларнинг улуши**
*(жамига нисбатан % ҳисобида)*




Вилоят бўйича ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми энг кўпроқ Олмалиқ (салмоғи 42,1 %), Бекобод (10,5 %), Ангрен (7,7 %), Чирчиқ (6,4 %) шаҳарларига тўғри келади. Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси энг юқори кўрсаткичи эса Бўка тумани (187,6 %), Қуйи Чирчиқ тумани (125,4 %) ва Чиноз туманида (112,1 %) акс этди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

| | *2020 й. январь-март* | *2021 й. январь-март* |
|---|---|---|
| Лойиҳалар сони, *бирлик* | 151 | 247 |
| Корхоналар сони, *бирлик* | 48 | 74 |
| Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм* | 319,2 | 564,1 |
| Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, *млн. АҚШ долл.* | 3,9 | 6,2 |
| Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик* | 154 | 201 |

Тошкент вилоятида умумий маҳаллийлаштириш дастурида корхоналар сони 74 та, лойиҳалар сони 247 та. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт ҳажми ўсиш суръати 159,0 %га кузатилди.

**2020-2021 йиллар январь-март ойларида маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши**










Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2021 йилнинг январь-март ойларида 564,1 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 6,2 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 201 та янги иш ўринлари яратилди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %да)*




Ҳисобот даврида жами 3176,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 113,9 %ни ташкил этиб, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 19,5 %ни ташкил қилди. Жумладан, 1679,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, арок-вино маҳсулотлари ва пиво ҳамда 1497,1 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2020 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 118,7 % ва 108,9 %) ишлаб чиқарилди.

**Ҳудудлар бўйича халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши** *(млрд. сўмда)*

| | *млрд.сўмда* | жамига нисбатан улуши, %да | Саноат ишлаб чиқаришга нисбатан улуши, %да | 2020 йил январь-мартга нисбатан %да |
|---|---|---|---|---|
| **Тошкент вилояти** | **3176,6** | **100** | **19,5** | **113,9** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Нурафшон | 37,1 | 1,2 | 15,0 | 105,8 |
| Олмалиқ | 60,0 | 1,9 | 0,9 | 90,2 |
| Ангрен | 245,6 | 7,7 | 19,7 | 111,2 |
| Бекобод | 58,7 | 1,9 | 3,4 | 140,6 |
| Оҳангарон | 299,8 | 9,4 | 41,6 | 100,6 |
| Чирчиқ | 367,5 | 11,6 | 35,1 | 140,3 |
| Янгийўл | 71,2 | 2,2 | 51,8 | 80,4 |
| *туманлар:* | | | | |
| Оққўрғон | 131,8 | 4,1 | 66,5 | 116,5 |
| Оҳангарон | 18,2 | 0,6 | 25,6 | 112,2 |
| Бекобод | 28,9 | 0,9 | 56,3 | 98,1 |
| Бўстонлиқ | 84,7 | 2,7 | 32,1 | 95,9 |
| Бўка | 29,2 | 0,9 | 28,9 | 131,7 |
| Қуйи Чирчиқ | 53,7 | 1,7 | 30,7 | 133,5 |
| Зангиота | 522,5 | 16,4 | 53,1 | 134,0 |
| Юқори Чирчиқ | 149,7 | 4,7 | 47,6 | 101,2 |
| Қибрай | 300,8 | 9,5 | 29,2 | 112,3 |
| Паркент | 66,4 | 2,1 | 97,7 | 100,7 |
| Пискент | 63,6 | 2,0 | 84,7 | 113,3 |
| Ўрта Чирчиқ | 106,4 | 3,4 | 53,7 | 103,3 |
| Чиноз | 62,2 | 2,0 | 55,7 | 99,6 |
| Янгийўл | 179,1 | 5,6 | 53,6 | 130,1 |
| Тошкент | 239,5 | 7,5 | 71,1 | 101,5 |

**Халқ истеъмол моллари озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг аҳоли жон бошига**

*(минг сўмда)*




Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткич Оҳангарон шаҳрида (2253,9 минг сўм), Зангиота туманида (2031,1 минг сўм), Қибрай туманида (1144,2 минг сўм) ва Оққўрғон (738,1 минг сўм) туманида ўртача вилоят даражаси (563,4 минг сўм) кўрсаткичидан анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Аҳоли жон бошига ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи Оҳангарон шаҳрида (5411,2 минг сўм), Чирчиқ шаҳрида (1599,2 минг сўм), Тошкент туманида (771,4 минг сўм) ва Зангиота туманида (647,8 минг сўм) ўртача вилоят даражаси (502,2 минг сўм) кўрсаткичидан анча юқорилигини кўрсатмоқда.

**2021 йил январь-март ойларида жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида маҳаллий аҳамиятга эга корхоналар ва давлат улуши юқори бўлган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари улуши**
*(Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, %да)*




Хўжалик юритувчи субъектлар учун қулайроқ иқтисодий шароитларни яратиш бўйича амалга ошириб келинаётган ишлар, маҳаллий аҳамиятга эга корхоналар (давлат улуши юқори бўлган корхоналарсиз) ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 5589,1 млрд. сўмни ташкил этиб (жами саноатдаги улуши 34,4 %), ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,7 %га ўсиши таъминланди.